**МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ** 4 бет
Ҳар бир хонадон томорқасига 10 дона мевали дарахт, 5 та ток экиши лозим, деган ҳаракат бугун маҳалла фаоллари томонидан кенг оммалаштирилмоқда.

**ЧЕМПИОНЛАР САФИ ОРТМОҚДА**
Ютуқларга осон эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, шароит ва имконият керак. 7 бет

**БОЛАНГИЗ МАКТАБГА БОРЯПТИ...**
"Ёмон сўз ёддан чиқмайди", деган гап бор. Билсангиз, ёмон сўз катталарга нисбатан болалар қалбида кўпроқ сақланиб қолади. 8 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

10 (716)

# Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 11 март. Пайшанба

# БАРКАМОЛ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

**Президент Ислом Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2009 йилдаги фаолиятини атрофлича таҳлил этиш ва галдаги вазифаларни белгилаб олиш лозимлигини таъкидлади.

Баркамол авлод орзуси — энг буюк орзу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орзуси бу. Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мустақиллик йилларида эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Узлуксиз таълимнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ва бугун ўз самарасини бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Баркамол авлод деганда аввало соғлом наслни тушунамиз. Шу боис ўтган йиллар мобайнида ёшларимизда нафақат юксак интеллектуал салоҳият, мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантиришга, балки уларни жисмонан чиниқтиришга, оммавий спортни ривожлантиришга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ислом Каримов аввало ушбу жамғарманинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида бундай ташкилот йўқлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўта ноёб тузилма бўлиб, айни пайтда қатор мамлакатлар уни қимматли тажриба сифатида ўрганмоқда.

Мажлисда спорт иншоотлари барпо этиш, мактабларда спорт заллари қуриш, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, Президент Ислом Каримов болалар спортини ривожлантиришнинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратди.

— Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

Ҳомийлик кенгашининг 2009 йил 16 январда бўлиб ўтган йиғилишида юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичларини баҳолайдиган ягона тизим яратиш, спорт анжомлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сонини кўпайтириш, мактаб спорт залларини жиҳозлаш нормативларини қайтадан кўриб чиқиш, спорт иншоотларини жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш, қизларни спортга кенг жалб этишда миллий менталитетимизнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш вазифалари белгиланган эди.

Йиғилишда ушбу вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил қилинди.

— Юртимизда 2010 йилни Баркамол авлод йили деб эълон қилар эканмиз, фарзандларимизнинг замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, — деди Президент. — Амалга ошираётган барча ишларимиз асосида ана шу мақсад-муддао мужассам. Спорт иншоотлари фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, уларни соғлом ўстиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАРАДДУД

# ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан 2010 йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари, 13-14 март кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб эълон қилинди.**

Айни кунларда мамлакатимизда яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз умумхалқ байрамига қизғин тараддуд кўрилмоқда. Ота-боболаримиз азал-азалдан Наврўз арафасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратган. Ана шу қадрият мустақил юртимизда ҳар йили анъанага мувофиқ, умумхалқ хайрия ҳашарларида ўз ифодасини топмоқда.

Бу йил ҳам юртимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш мўлжалланган. Ушбу хайрли тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад Наврўз — умумхалқ байрамига муносиб тайёргарлик кўриш, қутлуғ айёмни ораста хонадонда, обод маҳаллада кутиб олиш, байрам сайлини саришта кўча ва сайилгоҳларда нишонлашдир. Қолаверса, халқимиз бундай байрамлар арафасида кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни, касалманд инсонларнинг ҳолидан хабар олишни, янгидан бунёд этилган иншоотларни фойдаланишга топширишни миллий анъаналардан, деб ҳисоблайди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан 2010 йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари, 13-14 март кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб эълон қилиниши ана шу эзгу мақсад ва анъаналаримизга мувофиқ бўлди.

Жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари аллақачон бошланиб кетган. Дарахт ва гул ниҳолларини экиш ишлари фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчи ва бошқа фаоллари бошчилигида қизғин давом этаётир.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

ЮРТ КЕЛАЖАГИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛИДА

# ЭРТАНГИ КУН УМИДИ



© фото-Носир Ҳайдаров

Истиқлол йилларида мамлакатимиз ёшларини жисмонан соғлом, маънан баркамол шахслар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номлангани бу борадаги вазифалар кўламини янада кенгайтирди.

Бугун ўқийман, бирор касбнинг эгаси бўламан ёки спортнинг бирор турида юксак чўққиларга эришаман, деган ёшлар учун юртимизда барча имкониятлар етарли. Шу боис мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борсангиз, дилида орзулар билан яшаётган интилувчан ёшларни учратасиз. Уларнинг эзгу ниятлари, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшиш иштиёқи беихтиёр сизни ҳам жўшқин фаолият сари етаклайди.

Айтиш жоизки, бугун чекка қишлоқ ва маҳаллаларнинг шаҳармонанд қиёфа касб этиб бораётгани ёшларнинг келажакка бўлган умид, ишонч ва орзуларини ҳам бойитмоқда. Маҳалла ёшларининг компьютер ва интернетдан қийинчиликсиз фойдаланаётганини, жаҳондаги тенгдошлари сингари барча замонавий технологиялардан хабардорлигини кўрган кишининг қалбида ғурур уйғонади. Муҳими, яратилаётган имконият бесамар кетаётгани йўқ. Дунё эътироф этган чемпионлардан тортиб, олим ва эл таниган санъаткорларгача маҳалла ва қишлоқларда яратилган ана шундай шароитлардан баҳраманд бўлиб вояга етаётир. Бу борада мамлакатимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти алоҳида ўрин тутади.

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР > [8]

МУНОСАБАТ

# АЁЛЛАРНИНГ БАХТИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ, ЮРТИМИЗНИНГ БАХТИДИР

**ХАЛҚИМИЗ** азалдан аёлларни эъзозлаб, ардоқлаб келади. Айниқса, истиқлол йилларида хотин-қизларга эътибор ҳар жиҳатдан кучайди. Буни мен ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман. Кўп йиллар Андижон вилояти Пахтаобод шаҳридаги 4-сонли ўрта мактабда ёш авлодга она-тили ва адабиёт фанларидан сабоқ бердим. Юртимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига кенг эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилгач, фуқаролар йиғини яхлит тузилма сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ўша вақтларда ўқитувчилик билан бирга, жамоатчилик асосида шаҳардаги "Юқори" маҳалла фуқаролар йиғинининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси вазифасини ҳам бажариб келдим.

2004 йилдан "Юқори" маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасида фаолиятимни давом эттирдим. Ишни ҳар бир хонадондаги, оиладаги ижтимоий, маънавий-маърифий муҳитни ўрганишдан бошладим. Ўтган йилларда маҳалламизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни ёшлар онгига сингдириш, туғиш ёшидаги аёллар ва мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда уларнинг қонуний никоҳдан ўтишларини таъминлаш, ишсизликка барҳам бериш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Шунингдек, юзлаб ёшларга ҳунар ўргатишда ҳам маҳалламизда муайян ютуқларга эришдик.

Озод Ватанимизда инсон меҳнати ҳамиша ўз қадрини топади. Менинг ҳам камтарин меҳнатим қадрланиб, Президентимиз Фармонига биноан 2006 йилда «Дўстлик», 2009 йилда «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан тақдирландим. Оқсарой қароргоҳида юксак мукофотларни шахсан Юртбошимизнинг қўлидан қабул қилиб олиш бахтига муяссар бўлдим. Бу мукофотлар кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди.

Мамлакатимиз раҳбари куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида: «Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан том маънода Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир», дея биз аёлларга таъриф берди. Шунингдек, аёллар бахтини мамлакат бахти деб атади: «Зеро, оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир».

Биз мустақил юрт хотин-қизлари учун бундан ортиқроқ таъриф йўқ.

Юртбошимиз ўз табригида бугун олий қонунчилик идоралари, жойлардаги вакиллик органлари ва ижро ҳокимиятидан тортиб суд-ҳуқуқ соҳасида, маҳаллий ҳамда ўзини ўзи бошқариш тизимлари, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар фаолиятида, мухтасар қилиб айтганда, ҳаётимизнинг барча бўғинларида аёлларнинг роли ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Бу таърифга менинг ҳаётим ҳам мисол бўла олади. Ўтган йилнинг декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига бўлиб ўтган сайловда мен маҳалла маслаҳатчилари орасида биринчи бўлиб сенаторликка сайландим. Бу Конституциямиз нақадар халқчил эканлигига ёрқин далолатдир.

Алоҳида қайд этиш жоизки, бугун Юртбошимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришга, янада демократлаштиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Ижтимоий ҳаётимиздаги аксарият масалалар белгиланган тартибда маҳаллалар томонидан ҳал этилаётир. Зеро, келажакда маҳалла фуқаролик жамияти институтларининг энг такомиллашган, миллий қадрият ва анъаналаримизга асосланган тузилмаларидан бирига айланишига шак-шубҳа йўқ.

Шу боис, бир неча йиллик тажрибага эга маслаҳатчи сифатида Сенатда фуқаролар йиғинларининг аҳоли ҳаётида тутган ўрнига, аҳамиятига янада кенгроқ эътибор қаратишни режалаштириб турибман.

**Фаридахон АРАББОЕВА,**
**Пахтаобод шаҳридаги "Юқори" маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ — АМАЛДА

# КРЕДИТЛАР ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

— Вилоят савдо-саноат палатасининг кўмаги билан Хитой Республикасига 3 маротаба бориб келдим, — дейди Китоб туманидаги "Рислинг Стар" МЧЖ раҳбари Бахтиёр Хўжаев. — У ердан пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган завод ускуналарини олиб келиб ўрнатдик. Ҳозирги кунда йилига 7 миллион донадан зиёд арзон ва сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқаряпмиз. Эришилган ютуқлар ёмон эмас. Асосий мақсадимиз ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш, аҳоли бандлигини оширишга кўмаклашиш эди. Шу мақсаддаги кейинги вазифамиз қум ва шағал ишлаб чиқарадиган цех барпо этишга қаратилди. Мамлакатимизда биз тадбиркорлар учун яратилган кенг имкониятлар ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлашлари натижасида умумий қиймати 150 минг АҚШ долларига тенг замонавий ускуналарни ўрнатишга эришдик. Натижада бугунга келиб корхонамизда жами 120 та янги иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда ҳукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг роли ва аҳамияти катта бўлди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ > [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# МАҲАЛЛА — МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида: "Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти қанчалик ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз. Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда", дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти институтлари тизимида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда бундай тузилманинг фаолият юритаётгани, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, фаолияти кўламини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилаётгани ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этиш йўлида яна бир муҳим қадамдир. Айниқса, маҳаллаларда қадимги анъанавий ўзини ўзи бошқариш шакллари сақланиб қолгани унинг нечоғли ноёб институтлигидан далолатдир.

Маҳалла ҳамиша аҳоли яшайдиган ягона макон, анъана ва урф-одатлар, ўзаро муомала ва ҳуқуқий, оилавий муносабатлар шаклланадиган маскан бўлиб келган. У ўзида тинчлик-осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва иззат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик мезонларини, мазмунли ва фаровон ҳаётни акс эттиради.

Бу мўъжаз масканда кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, муносабат мезонлари, ижтимоий муносабатлар, таълим ва тарбия, урф-одатлар қадимдан ахлоқ меъёрлари асосида тартибга солинган. Фуқароларнинг давлат, маданият ва таълим тизими билан алоқалари маҳалла орқали амалга оширилган.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинларини жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш, молиявий шарт-шароитларини такомиллаштириш борасидаги ислоҳотлар истиқлол маҳсулидир. Бундан ташқари, маҳалланинг табиати демократик тамойилларга монандлиги юртимизда унинг мавқеини кескин ошириш имконини беради. Бундай янгиланишлар Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва унинг ҳудудий бўлимларининг ҳам ролини оширди. Шу боис, аввал маҳаллий ҳокимликлар зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ вазифалар айни пайтда маҳаллалар томонидан амалга оширилмоқда.

Бугун йиғинлар аҳолининг ҳаётий ва кундалик долзарб муаммоларини ҳал эта оладиган, таъсирчан, эл-юрт эътирофига сазовор тузилмага айланиб улгурди. Жумладан, ободонлаштириш, касаначиликни ривожлантириш, айниқса, кичик корхона ва ишлаб чиқариш муассасаларини барпо этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, томорқа ерларидан унумли фойдаланиш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўмак бериш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш масалалари шу ерда ҳал этилаётир. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида фаолият олиб бораётган Яраштириш комиссияси таркибига ҳамда йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасига катта ҳаётий тажриба ва малакага эга аёллар жалб этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси маҳалла фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида маҳалла институтини замонавий босқичда ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиб ўтди:

— **биринчидан**, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш;

— **иккинчидан**, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш;

— **учинчидан,** бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш;

— **тўртинчидан**, жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш;

— **бешинчидан**, мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти қуришда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш.

Айни пайтда қўмитамиз аъзолари ушбу масалалар ижросини таъминлаш, ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Ўйлайманки, белгиланган вазифалар ижроси тўлиқ амалга оширилса, бу мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида янги босқични бошлаб беради.

**Акмал САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси.**

ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯСИ

# БАЪЗИДА МУРОСА УЧУН ҚАТЪИЙЛИК ЗАРУР

**МАҲАЛЛАЛАРДАГИ** Яраштириш комиссиялари баркамол авлодни тарбиялаш, оилалар тинч-тотувлигини таъминлаш, маҳалла ободлиги, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, уларнинг кўмагида ажримлар сонининг камайиб бораётгани, баъзи ота-она ва фарзандлар, ака-укалар ўртасидаги низоларнинг барҳам топаётгани, тўй-маросимларнинг тартибли ўтаётгани эътирофга лойиқдир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини Яраштириш комиссиясининг иш тажрибаси кўпгина маҳаллаларга ўрнак бўлмоқда. Маҳалланинг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, яраштириш комиссияси аъзоси Манзура Мадраҳимова кўп йиллардан буён аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида изланади.

Манзура опа қўни-қўшни, эр-хотин, қайнана-келинни яраштириш жараёнида, аввало, оиладаги муаммолар сабабини ўрганиб чиқади. Кези келганда, ҳар бир оила вакили билан суҳбатлашишни канда қилмайди. У маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Йўлдошева билан биргаликда Юртбошимизнинг 2009 йил 1 июлдаги "2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Қарорининг ижроси юзасидан ҳудудда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, айниқса, аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 4-, 8-оилавий поликлиника шифокорлари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган хотин-қизлар мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб турилмоқда.

Маълумки, оилада соғлом фарзанд дунёга келишида эркакларнинг ҳам масъулиятини ошириш лозим. Шунинг учун маҳаллада Манзура опа ташаббуси билан режа ишлаб чиқилди. Шу режага биноан эркаклар ўртасида давра суҳбатлари ўтказиб келиняпти.

— Соғлом ва баркамол фарзандни дунёга келтириш борасида турмуш ўртоқларимиз маълумотга эга бўлмаса, ҳомиладор аёлини эҳтиётламаса, қўллаб-қувватламаса ҳаракатларимиз бесамар кетиши тайин, — дейди Манзура Мадраҳимова. — Шу сабабли жамоатчилик асосида эркаклар ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари мақсадга мувофиқдир. Чунки низоларнинг юзага келишида кўпинча оила аъзоларининг саломатлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Демак, Яраштириш комиссияси ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Зотан, бизнинг вазифамиз ҳам кўнгилсиз воқеалар, нотинчликларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарадиган омилларни ўрганишдан иборат.

— Манзура опа нотинч оилаларни муросага келтиришда ҳатто бироз талабчан ва қаттиққўл, — дейди "Гулистон" маҳалласи масъул котиби Манзура Сулаймонова. — Уларнинг фикрича, ҳеч бир сабабсиз, бўлар-бўлмас «деди-деди»лар туфайли ёш оилаларнинг бузилиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Ажрим ёқасига бориб қолган оилаларга бориб, 2-3 та фарзанди билан "кетаман"га тушган келинни сабрли бўлишга кўндирса, куёвга "Бу болаларингизнинг уйи, уларни ҳайдашингиз нотўғри", дея пўписа қилади. Кўп ҳолларда икки-уч кун дегандa келин-куёв миннатдорчилик билдириб, минг истиҳола билан аризаларини қайтиб олишади. Албатта, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек кам бўлса-да, ажримлар кузатилади. Ўтган йили ажралишга 9 та оила ариза берган бўлса, 7 таси яраштирилди.

Дарҳақиқат, Манзура опанинг саъй-ҳаракати муносиб тақдирланиб келинмоқда. Жумладан, унинг ўтган йили соғлом турмуш тарзини шакллантириш, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш ҳамда ҳунармандчиликка қўшган ҳиссаси эътироф этилиб, туманда "Энг ибратли маҳалла Хотин-қизлар комиссияси раиси" номинацияси бўйича учинчи ўринни қўлга киритди.

Манзура Сулаймонова кўпгина ҳунар сирларидан хабардор. Шу боис маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун тўгарак ташкил этган. У ерда баҳор ва ёз фаслларида, асосан, кам таъминланган оилалар фарзандлари тикувчилик, кулолчилик, бисер тикиш, ёғоч ўймакорлиги каби ҳунарларни ўрганишади. Болалар ўзлари ясаган миллий қўғирчоқлар ёрдамида турли спектаклларни саҳналаштириб, маҳалла аҳлига намойиш этишади. Болажонларнинг ижод намуналари кўпгина кўргазмалар, кўрик-танловларда совринли ўринларга муносиб топилди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида маҳалла ҳудудидаги 1-сонли шифохона, шунингдек, савдо шохобчалари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Яқинда уй бекалари, кам таъминланган оила вакиллари Бандликка кўмаклашув марказ томонидан ташкил этилган парда тикиш, бухгалтерия, компьютер, ҳамширалик, сартарошлик каби ўқув курсларида ҳунар ўрганишди. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги иш билан таъминланган.

Шу кунларда маҳаллада Наврўз айёми олдидан ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Жорий йилда кўпқаватли уйларнинг йўлакларини таъмирлаш, шунингдек, 15 та йўлакка темир эшик ўрнатиш ҳам режалаштирилган.

Манзура опа 65 ёшни қаршилаган бўлса-да, маҳалла ободлиги, маҳалладошлари тотувлигини ўйлаб, тиним билмайди, барчага "Маҳаллангтинч, сен тинч", дея насиҳат қилишни канда қилмайди.

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,**
**"Mahalla" мухбири.**

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ — АМАЛДА

# КРЕДИТЛАР ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



© фото-Носир Ҳайдаров

< [1]

Қабул қилинган ҳужжатларда банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий натижасини берди. Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 115 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, вилоят тадбиркорлари учун Хитой давлатига 9 марта уюштирилган бизнес ташрифлар давомида тузилган шартномалар асосида умумий қиймати 1925 минг доллар бўлган 22 та замонавий ускуна келтирилиб, ишга туширилди. Бу эса вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги кичик бизнеснинг улуши 52 фоизга етишида асосий омиллардан бири бўлди.

2009 йилда ташкил этилган 4690 та кичик бизнес корхоналари ҳисобидан 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Хусусан, қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган "Чайка" кичик корхонасида қарийб 40 нафар фуқаро учун иш ўрни яратилган.

— Бир ойда 300-400 тоннагача сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. Яқинда тош майдалаш ва гипс тайёрлаш ускунасини ҳам олиб келиб ўрнатдик. Натижада яна 30 нафар киши иш билан таъминланди. Олинган даромадлар ҳисобидан маҳаллалардаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келяпмиз. Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш ишларига ҳам ҳиссамиз қўшилаётганидан мамнунмиз, — дейди "Чайка" кичик корхонаси раҳбари Раҳматилла Бўриев.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал қилиш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган эди. 2009—2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури эса бу борада белгиланган вазифаларни, айниқса, маҳаллаларда изчил амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Маҳалламизда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирларни белгилаяпмиз. Хусусан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш баробарида тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган 3 нафар фуқарога Микрокредитбанкнинг шаҳар бўлимидан, хотин-қизларимиздан 4 нафарига эса "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими ёрдамида имтиёзли кредит олишга кўмаклашдик. Натижада бугун маҳалламизда кичик ишлаб чиқариш цехлари, ўқув марказлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритиб келмоқда. Асосийси, оилавий тадбиркорлик йўлга қўйилиши баробарида 50 нафарга яқин фуқаро ишли бўлди, — дейди Қарши шаҳридаги "Хонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини Файзулла Маманов.

— Инқирозга қарши чоралар дастури бўйича ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида алоҳида режа ишлаб чиқилган, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Долли Аллаев. — Ҳудудларнинг табиий хусусиятларидан келиб чиқиб, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, асаларичиликни йўлга қўйишни режалаштирдик. Шу бўйича туман ва шаҳар ҳокимликларидаги мувофиқлаштирувчи кенгашларга таклифлар киритилди. Айни пайтда ушбу йўналишлар учун кредитлар ажратиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Вилоятда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ривожлантириш мақсадида жорий йилда тижорат банклари томонидан 130 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида иш бошлаган 784 та хизмат кўрсатиш субъектларида 16 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

— Бу эса умумий иш ўринларининг 20 фоизини ташкил этади. Ушбу мақсадлар учун бюджет ва тижорат банклари билан биргаликда "Бандлик жамғармаси"нинг 421 млн. сўмдан ортиқ маблағи сарфланди. Жорий 2010 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яна 18 мингдан зиёд иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Соҳа ишини янада ривожлантириш мақсадида сарфланадиган 620 миллион сўм кредит маблағларининг 390 миллион сўми "Бандлик жамғармаси" ҳисобидан молиялаштирилади, — дейди биз билан суҳбатда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Инъомжон Нигматов.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий муассасалари томонидан эътироф этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур дастур мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичларини янада яхшилаш имконини бермоқда.

**Санобар БОЙМУРОДОВА**
**"Mahalla" мухбири.**

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

# КЎНГЛИ ЁРУҒ КИШИНИНГ ИШИДА БАРАКА БОР

**ЧИРОҚЧИ** шаҳридаги аҳоли гавжум ҳудудлардан бири «Чироқчи» маҳалласи ҳисобланади. Ҳозирги кунда маҳалламизда 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Маҳалламиз ҳудудида пахта тозалаш заводи ва бошқа бир қатор саноат, қурилиш ташкилотлари жойлашган. Олтита тўйхона, бир меҳмонхона, 12 та савдо дўкони, иккита чойхона ва бир қатор аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Спорт-педагогика коллежи, мактаб, шифохона, иккита болалар боғчаси ҳам шу ерда жойлашган.

Мунтазам равишда ўтказилиб туриладиган маънавий-маърифий тадбирларда қайнана-келин муносабатлари, ёш қизларимизни турмушга тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, тўй-маросимларни ихчам тарзда ўтказиш ҳақида тажрибали, ҳаётда кўпни кўрган отахонлар, онажонларимизнинг фикрлари тингланади, баҳс-мунозаралар ўтказилади. Маҳалламизда икки нафар уруш қатнашчиси, 45 нафар кам таъминланган оила бор. Уларга байрамлар арафасида ҳомийларимиз томонидан совғалар улашилади. Доимий равишда бу хонадонларнинг аҳволидан хабардор бўлиб турамиз.

Аҳолимизнинг бандлигини таъминлаш мақсадида яқин кунларда тадбиркорларимиз томонидан маҳалламиз ҳудудида ғишт заводи, иккита меҳмонхона, иккита тикувчилик цехи, новвойхона, сартарошхоналар, «Сарбон» ресторани, ўн тўққизта савдо дўкони ишга тушади. Мустақиллик байрамигача буюм бозори қурилиши тугалланади. Бу иншоотлар ишга тушгач, уйда ўтирган аёллар, ёш йигитлар ишли бўлади.

Баҳор келиши билан юртимизда ободончилик, бунёдкорлик ишлари жадаллашди. Маҳалламизда ҳам ҳар шанба, якшанба кунлари ҳашар ўтказяпмиз. Кўчалар, йўл, йўлакларни тозалаб, кўчатлар ўтқазяпмиз. Сув йўлларини очяпмиз. Чунки халқимизнинг севимли ва улуғ байрамларидан бири Наврўз яқинлашяпти. Одамларимиз ҳар йили Наврўзни обод ҳовлиларда, кўча ва маҳаллаларда кўтаринки кайфият билан кутиб олишга одатланган. Уйи, ҳовлиси тоза, саранжом-саришта, кўчаси, маҳалласи обод, кўнгли ёруғ бўлган кишининг иши унумли, баракали бўлади.

**Сулув БЕРДИҚУЛОВА,**
**«Чироқчи» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.**

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

# МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Қорақалпоғистон Республикасида турли миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил-иноқ бўлиб, тинч-тотув яшамоқда. Бу, аслида, мустақиллигимизнинг шарофатидан, яратилган беқиёс имконият ва шароитлар тўкислигидандир.



Давлатимиз томонидан фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатиб келаётган 352 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолининг яқин ёрдамчисига айланган. Овул ва маҳаллалардаги муаммоли масалалар ижобий ечим топиши учун жамоатчилик кенгашлари тузилган. Улар аҳоли билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришади. Бундан ташқари, маҳалла фаоллари, эл кайвонилари оилаларнинг осойишталигини сақлашда жонбозлик кўрсатиб келаётир.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талабларини билиш ва тўғри қўллаш нафақат давлат органлари ёки ваколатли шахслар, балки ҳар бир фуқаро учун зарурдир. Қонун фуқароларга давлат органларига ариза билан мурожаат этиш ва ўзларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қонуний ҳимоялаш имкониятини беради. Хусусан, ўтган 2009 йилда жамғарманинг ҳудудий бўлимига 39 та мурожаат келиб тушди. Эътиборлиси, уларнинг барчаси қонуний ечимини топди. Фуқароларга жамғарма томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг 2009 йилги иш режасининг 21-бандида ҳар бир туман (шаҳар)лардаги, шу жумладан, қишлоқлардаги ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлаш белгиланган бўлиб, шу мақсадда кам таъминланган 75 та оила фарзандларининг никоҳ тўйлари ва оилавий тантаналарини ўтказишда ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бунда, асосан, Қораўзак, Амударё, Кегейли, Қўнғирот ва Элликқалъа туманларида фаол иш олиб борилди.

**Ҳар бир хонадон томорқасига 10 дона мевали дарахт, 5 та ток экиши лозим, деган ҳаракат бугун маҳалла фаоллари томонидан кенг оммалаштирилмоқда.**

Шу каби хайрли ишларнинг мантиқий давоми сифатида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида тўлов-шартнома асосида таълим олаётган Кегейли туманидаги «Обод» овулида яшовчи, жисмоний имкониятлари чекланган талабанинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, шартнома пули тўлаб берилди. Давлат дастури асосида 50 та кам таъминланган, кўп болали оилаларга бир бошдан қорамол олиб берилди.

Жорий «Баркамол авлод йили» Давлат дастури талабларининг ижросини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиш бўйича биргаликдаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бунда республика бўйича 500 та кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказишга ёрдам бериш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда шундай оилаларни рўйхатга олиш ишлари давом этмоқда.

Аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида фуқаролар йиғинлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот, полиз, гўшт, сут, тухум маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш орқали бозорларда бу маҳсулотларнинг нархини барқарорлаштиришни режалаштирмоқда. Ҳар бир хонадон томорқасига 10 дона мевали дарахт, 5 та ток экиши лозим, деган ҳаракат бугун маҳалла фаоллари томонидан кенг оммалаштирилмоқда. Шунингдек, барча овуллардаги кам таъминланган 20 та оилага бепул 20 бошдан жўжа тарқатишни ташкил қилиш ташаббуси ҳаётга татбиқ этилаётир. Бундай чора-тадбирлар келажакда хонадонларнинг даромадларини оширишга қаратилган.

Бугунги кунда жамғармамиз ва унинг ҳудудий бўлинмалари, жойлардаги овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан маҳаллалардаги тартиб-интизомни сақлаш, фуқароларнинг одам савдоси қурбони бўлишлари олдини олиш, ёшларимизни гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик сингари салбий иллатлардан асраш, айниқса, хорижий давлатларга кетувчиларни суғурталаш, чет элдан қайтган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларига жиддий эътибор қаратилаётир.

«Маҳалла» жамғармасининг Амударё тумани бўлинмаси ёнида «Маънавият тарғиботи» ҳамда «Маҳалла» марказларининг ташкил этилиши маҳаллалардаги муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, туманда тўй-ҳашам ва оилавий тантаналарнинг тартибли, ортиқча дабдабасиз, исрофгарчиликсиз ўтиши йўлида бир қатор самарали ишлар олиб борилмоқда. Тўй-ҳашам, оилавий тантаналарни тартибли ва ихчам ўтказиш бўйича аниқ манзилли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда барча фуқаролар йиғинлари раислари аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини амалга оширмоқдалар.

Аҳолинииг репродуктив саломатлигини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишидаги танловда ўтган йили Элликқалъа тумани Ибн Сино номидаги қишлоқ врачлик пункти «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» номинациясининг ғолиби бўлди. Жорий йилда Элликқалъа тумани республикамизда аҳолинииг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича таянч маркази, деб эълон қилинди.

Жамғармамиз келгусида муаммоларни овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўзида ҳал этишни ташкиллаштириш ниятида.

**Арухан КЕЛИМБЕТОВА,**
**«Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси вазифасини бажарувчи.**

ҲАМКОРЛИК

# НУРОНИЙЛАР ИБРАТИ

«НУРОНИЙ» жамғармасининг шаҳар бўлинмаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик самаралари аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратишда, кам таъминланган ва мурувватталаб инсонларни қўллаб-қувватлашда кўзга яққол ташланмоқда. Айниқса, нуронийлар бундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлишаётир.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган нуронийлар байраму шодиёналарга таклиф этилиб, совға-саломлар билан сийланаётир, бемор қариялар жамғарманинг шаҳар бўлинмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг доимий назоратида. Уларга тезкор тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Моддий шароити қийин қарияларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тарихий қадамжоларга саёҳатлар уюштириш ва қариялар саломатлигини тиклаши учун ҳомий ташкилотлар томонидан 129 миллион сўм ажратилди.

Ўтган йили «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, йиғин қошида фаолият олиб бораётган «Нуроний» жамоатчилик марказлари раислари ташаббуси билан қариялар ҳолидан хабар олиниб, ҳокимлик, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ҳамда ҳомий ташкилотларнинг совғалари тарқатилди. Шу йўл билан кам таъминланган оилаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. Бу анъана Баркамол авлод йилида ҳам режали тарзда давом эттирилаётир.

Ўз навбатида фахрийларимиз шаҳар маҳаллаларида ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этиб, ёшларни жамоатчилик тадбирларига чорлашмоқда. Улар, айниқса, умумхалқ хайрия ҳашарларида дарахтларга шакл бериш, кўчат ўтқазишда бой тажрибалари билан ибрат кўрсатишмоқда. Қариялар ташаббуси билан шаҳарда миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, ўзбекона удумлар ҳар бир хонадонга кириб борди. Қариси бор уйнинг париси бор, деганларидек нуронийларнинг ибрати бу соҳада ҳам қўл келмоқда.

«Нуроний» жамоатчилик фаоллари ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда тарбияси оғир ёшларга, бола тарбиясига беэътибор оилаларга маҳаллалар қошидаги комиссиялар ҳамкорлигида фахрийларни бириктирмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан маҳаллада тўй-томоша ва маросимларни миллий анъаналаримизга мос, тежамли ўтказишда йиғинлар ҳузурида фаолият юритаётган Тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш комиссиялари иши ҳам яхшиланмоқда.

Ёшларни юртга содиқ инсонлар қилиб вояга етказиш борасида бошланган ҳаракат ўз самарасини берди. Келажагимиз ворислари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш шаҳар ҳокимлигининг долзарб вазифасига айланган. Шу мақсадда махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Жорий Баркамол авлод йилида жамғармамиз ходимлари асосий эътиборни ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, соғлом бўлиб камолга етишларини таъминлаш учун аниқ йўналтирилган режа асосида иш юритишяпти.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида: «Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради", деб таъкидлагани айни муддао бўлди.

Нуроний отахону мунис онахонлар ҳам Президентимизнинг бу даъватини маъқуллаб, ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлигига ишонч билан қарашади.

Шаҳримиз аҳолиси, айниқса, нуронийлар маҳалла миқёсида ўтказилаётган тадбирларда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришаётир. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларини рағбатлантириш, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар учун қўшимча имтиёзлар яратиш, вилоятда аграр соҳани янада ривожлантириш каби таклифлар кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланяпти.

Албатта, юқорида тилга олинган масалалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилса, "Нуроний" жамғармаси жорий йилда ўз олдида турган вазифалар ижросини таъминлаган бўлади.

**Маматқул ИНОМОВ,**
**«Нуроний» жамғармасининг Жиззах шаҳар бўлинмаси раиси.**

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

# ФАОЛЛАР КЎМАГИ ҲАМИША АСҚАТАДИ

Кейинги йилларда ёшларни бузғунчи ғоялар таъсиридан асрашда, улар қалбига ватанпарварлик, миллий ғурур ва садоқат туйғуларини сингдиришда фуқаролар йиғини ва милиция таянч пунктлари ўзаро ҳамкорликда самарали фаолият олиб бормоқда. Айниқса, юрт осойишталигини сақлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида аҳоли орасидаги профилактик тарғибот-ташвиқот ишлари маҳаллалар тинчлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари фаолиятини моддий-техникавий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Жиноятчиликка қарши курашишда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида"ги ва "Милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Шу боис, бугунги кунда милиция таянч пунктлари шинам ва барча қулайликларга эга биноларда жойлашган бўлиб, кўргазмали плакатлар, ташвиқот ва тарғибот лавҳалари, мебель, компьютер, замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган. Муҳими, таянч пунктларда билимли, дунёқараши кенг, юрт тинчлигини қадрлайдиган, аҳоли фаровонлигини ўз манфаатидан устун қўядиган профилактика инспекторлари фаолият юритмоқда.

Хусусан, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги "Афросиёб" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 115-сонли милиция таянч пунктига ташриф буюрган киши таъмирдан чиқарилган пункт биноси ва унда инспекторлар учун яратилган қулай шарт-шароитга гувоҳ бўлади. Эътиборлиси, бу шароитлардан унумли фойдаланган профилактика инспектори жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг турли жиноий гуруҳларга қўшилиб қолмаслигини таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Сўнгги йилларда маҳалламизда жиноятчилик содир этилмади, — дейди "Афросиёб" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элбек Юсупов. — Бунда профилактика инспектори ва маҳалла посбонларининг хизмати катта бўлмоқда. Бугунги кунда инспектор Дилмурод Мирзаевнинг саъй-ҳаракати билан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, муаммоларни маҳалланинг ўзида бартараф этиш юзасидан салмоқли ишлар қилинмоқда. Ўтган йили ҳомийлар кўмагида милиция таянч пункти бинолари таъмирланиб, давр талаблари даражасида иш юритиш имконияти яратилди. Ҳозир аҳолининг тинч ва фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида профилактика инспектори ва маҳалла посбонлари кечаю кундуз тарғибот ишларини олиб бориб, турли тадбирлар ташкил этишмоқда. Уларда таниқли зиёлилар, тажрибали педагоглар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг иштирок этиши ижтимоий, маънавий муҳитни соғломлаштириш ва диний ақидапарастликка қарши курашиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Муҳими, вояга етмаганлар доим фуқаролар йиғини ва профилактика инспекторининг назоратида.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш мақсадида шахмат-шашка, компьютер, теннис, гимнастика, баскетбол тўгараклари ташкил этилган. Шу туфайли маҳалламиздан сузиш ва каратэ бўйича республика ғолиблари етишиб чиққан. Маълумки, кейинги пайтларда фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг хориж мамлакатларига ишлаш учун чиқиб, алданиб қолиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Улар одамфурушларнинг тузоғига тушиб, ўзга юртларда ҳам руҳий, ҳам жисмоний қийинчиликларни бошидан кечиришмоқда. Шу сабабли бу борада ҳам ҳудудимизда инспекторлар бошчилигида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугун «Афросиёб» маҳалласида профилактика инспектори ташаббуси билан таълим муассасаларида ҳам хавфсизликни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ойда икки марта мактабларда ўқувчиларнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида учрашувлар ташкил этиляпти. Шунингдек, хориждан қайтган фуқаролар ҳам профилактика инспекторининг назаридан четда қолмайди. Уларнинг тиббий кўрикдан ўтишини таъминлашга катта эътибор қаратилади, сўнг маҳалла тадбиркорлари ва бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳамкорлигида иш билан таъминланади. 2009 йилда шу йўл билан 98 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

— Ҳудудда 3 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади, — дейди участка профилактика инспектори, катта лейтенант Дилмурод Мирзаев. — Биз ҳар бир хонадонга кириб, фуқароларнинг муаммоларини ўрганишга интиламиз. Асосан, маҳалла фаолларининг кўмагига суянамиз. Чунки маҳалла ҳудудида қандай воқеа содир бўлмасин, қўни-қўшниларнинг хулқ-атвори, қизиқишлари, касб-кори — ҳаммасидан шу ерда яшаётган одамлар хабардор бўлишади. Уларнинг маслаҳати, кўмагидан фойдаланиб, қонунбузилиш ҳолатларига тезкорлик билан барҳам берамиз. Айтиш кераккi, 2008 йилда Ички ишлар вазирлиги ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамкорликда қабул қилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарор посбонлар ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликдаги фаолиятини янада жонлантирди. "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси аъзолари билан тез-тез поспорт режими бўйича текширувлар ўтказамиз. Ҳудудда ноқонуний истиқомат қилаётган, узоқ муддат уйига келмаётган ҳамда қонунда белгиланган бошқа меъёрларни бузаётган шахсларга тегишли чоралар қўлланилади. Маҳалла ҳудудида элчихоналар жойлашганлиги ҳам бизга катта масъулият юклайди. Шу сабабли маҳалла ҳудудида иккита гуруҳ кечаю кундуз назорат олиб боради.



© фото-Носир Хайдаров

Ўсиб келаётган ёш авлодни жиноий йўлга бошловчи шахсларни аниқлаш, бу борада маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари, ақидапарастлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари мунтазам ўтказилади.

Ҳа, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни фаолиятининг бош мезони сифатида белгилаган мазкур милиция таянч пунктининг олиб борган ишлари жорий йилда Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан республика миқёсида ўтказилган "Намунали милиция таянч пункти" кўргазмали кўрик-танловида муносиб баҳоланди. Унда 115-сонли милиция таянч пункти учинчи ўринни қўлга киритди ва рангли телевизор билан тақдирланди.

**Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ



© фото-Носир Ҳайдаров

Ёшлар, аввало, оила, маҳалла муҳитида ўсиб-улғаяди. Шу боис маҳалла мутасаддилари ва фаолларининг аҳоли саломатлигини тиклаш, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват қилиб вояга етказишга жиддий эътибор қаратиб келишяпти.

**Маҳалла аҳли иноқ, аҳил, ҳамжиҳат бўлса, ёшлар онг-шуурида эзгу фазилатлар шаклланиб бораверади.**

Маҳалла аҳли иноқ, аҳил, ҳамжиҳат бўлса, ёшлар онг-шуурида эзгу фазилатлар шаклланиб бораверади. Аҳоли саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилишда маҳалламиз фаоллари 45-оилавий поликлиника шифокорлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйгани ўз самарасини беряпти. Агарда мендан бирор эзгу мақсадларга эришишда аҳоли ўртасидаги турли ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, диний экстремизм, одам савдоси каби ёт хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда энг самарали йўл нима, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай аҳоли ва ёшлар ўртасида изчил олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари, дея жавоб берардим. Зеро, деярли барча хайрли ишлар, аввало, тарғибот-ташвиқот тадбирлари орқали ўзининг ижобий натижасини кўрсатади. Шу боис йиғин мутасаддилари, поликлиника ходимлари, ФҲДЁ вакиллари билан кенгашиб, маҳаллада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари, шунингдек, тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотларни мунтазам ўтказиб келяпмиз. Саломатлик борасида 45-поликлиника шифокорлари билан алоҳида иш режаси тузилган. Унга кўра, ҳар куни ҳамширалар фаоллар билан биргаликда уйма-уй юриб, санитария-гигиена қоидаларини тушунтиришади, зарур тавсиялар беришади. Бу эса оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилаётир.

Соғлом фарзанд — оила қувончи. Сир эмас, соғлом фарзандлар туғилишига монелик қилиши мумкин бўлган айрим муаммолар ҳам учраб туради. Масалан, туғиш ёшидаги аёлларда камқонлик, буйрак касалликлари кузатилади. Бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллада мунтазам равишда шифокор ва ҳамширалар назорати йўлга қўйилган. Асосий эътиборимиз касалликларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда оилаларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилмоқда. Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова, маҳалла оқсоқоли Аҳмаджон Зокиров, ёши улуғ онахонлар ҳамда фаоллардан Ширин Тошмуҳамедова, Тўхтасин Ғаниев, шифокор Гулчеҳра Абдураҳмонова, ҳамшира Гулчеҳра Ҳошимова кўмагида аҳоли ўртасида "Соғлом она — соғлом фарзанд", "Репродуктив саломатлик ва соғлом оила", "Туғиш интервали", "Соғлиқ — ҳаётимиз гарови", "Репродуктив саломатлик ва бехатар оналик" каби мавзуларда тадбирлар ўтказилаётгани оилаларда тиббий маданиятни оширишга хизмат қилаётир.

Ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, бақувват этиб тарбиялаш мақсадида маҳалла марказида тикувчилик ҳамда спорт тўгараклари ташкил этилган. Яқинда йиғин раиси А.Зокиров ҳамда маҳалла фаоли Т.Ғаниев ташаббуси билан ҳудуддаги бўш ётган жойга спорт майдончасини қуриш ҳақида таклиф киритилган эди. Бу барча маҳалладошларимизга маъқул келди ва айни пайтда лойиҳалаш ишлари олиб борилаётир.

Бир сўз билан айтганда, ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда давлатимиз, Юртбошимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ёшларнинг бўш вақтларини бекорга сарфлашига йўл қўймасликка, энг муҳими, уларни спортга жалб этиш, пухта билим олиши учун барча шарт-шароит ва қулайликларни яратиб беришга астойдил бел боғлаганмиз.

**Назира ИНОЯТОВА,**
**Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги "Илғор" маҳалласи маслаҳатчиси.**

ҲУНАРМАНД АЁЛЛАР

# МЎЪЖИЗА ЯРАТАЁТГАН ҚЎЛЛАР

БУХОРОнинг Эски шаҳар қисмига йўлингиз тушса, ўзингизни гўё "вақт машинаси"да сайр этиб, мозийга тушиб қолгандек сезасиз. Негаки, бу ердаги қадимий Арк, улуғвор Минораи Калон, асл ҳолатини йўқотмаган масжиду мадрасалар, қолаверса, шаҳарнинг деярли ҳар бир кўчасида учрайдиган ҳунармандчилик устахоналарида қадимий услубларда тайёрланаётган темирчилик, заргарлик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик каби халқ ҳунармандчилиги намуналарини кўриб ҳайратга тушасиз. Зайнаб Жўраевада кандакорликка иштиёқ болалик давридаёқ уйғонганлиги боиси шундан бўлса ажабмас.

— Болалигимдан рассом бўлишни орзу қилганман, — дейди З.Жўраева. — Аммо кўчамиздаги таниқли кандакор уста, илк устозим Шамсия опа Ғофуровага эргашиб, шу ҳунарни танладим. Устозимнинг ишларини диққат билан кузатардим. Билсангиз, ўшанда эскириб, асл қиёфасини йўқотган буюмлар Шамсия опа ишловларидан кейин янгича чирой касб этар, бу эса менга мўъжизадек туюларди. Айнан ана шундай мўъжиза яратиш ишқи мени шу ҳунарга ошно этди, десам янглишмайман.

Устози Шамсия опа кўмагида кандакорлик ҳунарига анчайин қўли келишиб қолган қиз кейинчалик Салимжон Ҳалимов номидаги кандакорлик устахонасида ишлаш баробарида яна бир устози Миржон Аҳмедов қўлида сабоқ олди.

— Айтиш жоизки, кандакорлик ниҳоятда нозик, ўз навбатида, мураккаб қўл меҳнатини талаб этадиган ҳунар ҳисобланади, — дейди "Ширбудин" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳтам Исоев. — Уста кандакор бўлиб етишиш учун аввало рассомчилик, каштачилик ҳамда металлга ишлов бериш санъатларини пухта эгаллаш лозим. Маҳалламизнинг фаол аёлларидан Зайнаб Жўраева ана шундай мураккаб, айни пайтда, жозибали ҳунарни маҳалладошларига ўргатишдан чарчамайди. У айни кунда йиғин ҳузурида ташкил этилган Оилани ижтимоий ҳимоялаш марказидаги кандакорлик тўгарагига раҳбарлик қилиб келмоқда. Тўгаракда маҳалламиз хотин-қизларидан ташқари, қўшни маҳаллалардан келган ҳунар ўрганувчилар ҳам кандакорлик сирларини ўрганишмоқда.

— Бир гал устахонамда латун патнисга ислимий нақшлар солаётганимда бир сайёҳ аёлнинг ишимни синчиклаб кузатаётганини сезиб қолдим, — дейди Зайнаб Жўраева. — Шундан сўнг у ҳар куни ишимни кузатиб бориш мақсадида сафар муҳлатини яна бир оз чўзибди. Бу неча асрлик бой маданий тарихимизнинг бир бўлаги сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, қолаверса, ҳунармандлар қўлида сайқал топиб, янги-янги безаклар билан бойиб бораётган кандакорлик ҳунарига чет эллик сайёҳларнинг қизиқиши катта эканлигидан далолатдир.

Бугунги кунда ҳунарманд уста Зайнаб опанинг Абулқосим Обидов, Лола Жўраева, Дилором Саъдуллаева сингари кўплаб шогирдлари мустақил равишда кандакорлик ҳунари билан шуғулланиб келишмоқда. Дарвоқе, мана беш йилдирки, Зайнаб Жўраева "Маҳалла" ва "Олтин мерос" жамғармалари вилоят бўлими билан ҳамкорликда вилоятдаги 32-меҳрибонлик уйида тасвирий санъат, наққошлик, кандакорлик тўгараклари ташкил этиб, ҳунармандчиликнинг ноёб сирларидан сабоқ бериб келаётир.

**Акбар РУСТАМОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

МУҲИМ ТАВСИЯЛАР

# ЭР ВА ХОТИН ҲАМФИКР БЎЛСА...

АЖРАШИШГА аҳд қилган эр ва хотин, аввал, ФҲДЁ идорасига мурожаат этади. Ўртада фарзанд бўлмаса, уларнинг никоҳини ФҲДЁ бекор қилиши мумкин, фарзандлари бўлса, бу иш фуқаролик судида ҳал этилади. Аввалига маҳалла ва унинг Яраштириш комиссияси аъзолари арзимаган сабаб билан ажримгача бораётган ёшларга тушунтириш ишлари олиб боради. Миллий менталитетда фарзандни тирик етим қилиб қўйиш катта гуноҳ ҳисобланади, шунинг учун азалдан урф бўлган тамойил борки, ёш оила низолари ўрганилади, бунга катта ёшдагилар аралашади, сўнг бир қарорга келинади. Агар низо ёшларнинг, биринчи навбатда, аёл ва фарзандларнинг саломатлиги, тинчлигига жиддий хавф соладиган бўлса (хиёнат, эрнинг тинимсиз алкоголь истеъмол қилиши туфайли аёлни мунтазам қийнаши, маиший зўравонлик, оила бюджетига эркак улушининг қўшилмаслиги каби), жамоатчилик аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Маҳалла аёл ҳамда унинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бу ишга аралашади.

Яраштириш мақсадида оилага кирганингизда, аввало, хонадондаги шарт-шароитни кўздан кечиринг. Ундан сиз нафақат оиланинг тўқлиги, рўзғорнинг бутлиги тўғрисида, балки шу хонадон соҳибаси, бекасининг саришталиги, уйига, фарзандлари ва эри парваришига муносабатини ҳам билиб оласиз.

Тасаввур қилинг, хонадонда барча нарса кўнгилдагидек, ҳамма ер тоза, озода, саранжом-сариштa. Барча буюм ва анжомлар ўз ўрнида. Лекин эр ва хотин ўртасида муроса йўқ. Демак, бу ҳолда сизнинг ишингиз ёшларни муросага келтириш. Сизнинг суҳбат услубингиз тахминан қуйидагича бўлиши лозим: суҳбатдошларни иложи борича рўпарангизга ўтказинг ва ҳол-аҳвол сўрагач, фақат гап нимада эканлигини билгани кирганингизни айтинг. Суҳбатдошингиз дардини сизга айтдими, билингки, демак, айнан шу инсон (эр ёки хотин) оилани сақлашдан манфаатдор. Агар шу вазиятда қайнана ва бошқа яқин уруғлар бўлмаса, айни дамда, унинг «дардини» эътибор билан тингланг ва ҳар бир сўзини, юз ифодаларини кузатинг. Орада турмуш ўртоғининг руҳиятини ҳам кузатинг. Гап нимада эканлигини билдингиз. Энди ўз мулоҳазангизни билдиришга шошманг. Иккинчи томонни ҳам тингланг. Фарзандлари бўлса, уларни сўранг. Ўқийдиган бўлса ўқишларини, боғчага борса, у билан боғлиқ саволлар беринг ва жавобларини таҳлил қилинг. Фарзанд шундай ширинки, ўзаро можаро орасида бола ҳақида гапирганда, суҳбатдошингиз ўзгаради. Демак, умид бор. Боланинг манфаатини ўртага қўйиб, орадаги совуқчиликнинг, аслида, ҳиссиётлар таъсири эканлигини, вақт ўтиши билан шу гаплар қадрсиз бўлиб қолиши, уялиб қолишларини эслатиб, ўз фикрингизни айтинг. Суд амалиётида ҳам ўртада фарзанди бор эр-хотинларга синов учун 3 ой, баъзи ҳолатларда 6 ойгача муҳлат берилади. Сиз ёшларга турмушнинг паст-баландини, жанжалга сабаб бўлган ҳолатнинг фарзанд тақдирига салбий таъсирини, инсон зоти ҳамиша ўзини бироз яхши кўриб, ўзгадан камчилик топишга мойил эканини тушунтира олсангиз, ёшлар фикрларини ўзгартиришлари ҳам мумкин ва имкон борича шунга эришиш лозим. Тўғри, баъзи аёллар «Қўлимда ҳунарим бор, ишдан қочмайман, болаларимни ўзим бир амаллаб боқиб оламан», деб масалага енгил қараши мумкин. Шунда уларга фарзандлар вояга етгач, ўз тақдирига фақат ўзлари эга чиқишларини, ёлғизлик деган ҳолатнинг қийинчиликларини, фарзанд тарбиясида отанинг ўрни муҳимлигини тушунтиринг.

Ажралишни ихтиёр этганларга ва арзимаган сабаб туфайли «эркалик» қилаётганларга яна бир ҳақиқатни айтсангиз бўлади. Ҳеч ким нуқсонсиз бўлмайди, эр-хотиннинг қовушиб яшаши бир-бирларини янада чуқурроқ билиш ва ҳамфикрлиликни талаб этади. Баъзан пайдо бўладиган ўзаро низолар эр ва хотиннинг бир-бирини янада яхши тушунишига сабаб бўлади, жанжалдан сўнг улар бир-бирига янада қадрли бўлиб қоладилар, чунки характерларини яхши билиб борадилар. Бу — ҳаётий тажрибадан олинган яна бир психологик хулоса.

**"Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи" китобидан олинди.**

МАҲАЛЛА ТАДБИРКОРИ

# ЛИБОСЛАР БЕЖИРИМ, ХАРИДОРГИР

**Буни барча қизилтепаликлар мамнуният билан эътироф этишади**

Фуқаролар йиғинлари қошида Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссияларининг ташкил этилгани маҳаллалар аҳлини беэътибор қолдирмаяпти. Маҳалла мутасаддилари, фаоллари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда ушбу комиссия аъзолари жонбозлиги туфайли бугун кўпчилик тадбиркорлик, касаначилик фаолиятини йўлга қўйишаётир. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган кишилар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилаётгани эса аҳоли турмуши фаровонлигини оширишда, мулкдорлар синфини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай имкониятдан ўз вақтида унумли фойдаланаётганлар оилавий даромадларини яхшилаш билан бирга, жаҳонда иқтисодий инқироз кечаётган айни пайтда аҳолининг бандлик муаммосига ечим топишда ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётир.



© фото-Носир Ҳайдаров

Фурсатни имконият деб билиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ана шундай ташаббускор аёллардан бири Марҳабо Шароповадир. Айни пайтда Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги "Ванғози" маҳалласида истиқомат қилаётган бу тадбиркорнинг ташаббуси, қолаверса, фаоллар, ҳомийлар кўмагида ташкил этилган "Медиа" тикув цехи кўплаб уй бекаларини, хотин-қизларни ўз бағрига олди.

— Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначилик аҳоли бандлигини таъминлайдиган омил, қолаверса, асосий ишдан ташқари, қўшимча даромад манбаи ҳамдир, — дейди маҳалла оқсоқоли Турсунпўлат Адизов. — Бу борадаги ишларни изчил йўлга қўйган инсонларни кўрсам қандингни ур, дегим келади. Ҳозир маҳалламиз аҳолисининг аксарияти иш билан таъминланган. Негаки, ҳудудимизда чигитни қайта ишлаш корхонаси, бир нечта маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, сартарошхона, автомашина ва телерадио таъмирлаш устахонаси, фирма, хусусий корхоналар, савдо дўконларининг фаолият юритаётгани фикримиз тасдиғидир. Коллеж, лицей битирувчиларини ҳам ишга жалб этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ёшларни ҳудуддаги корхона ва ташкилот раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, ишга жойлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Маҳалладошимиз М.Шароповадек тадбиркор аёллар эса бу борадаги вазифаларни, муаммоларни бартараф этишда астойдил кўмак беришаётир.

— Ўз кичик корхонасини очаётган тадбиркор, биринчи навбатда, корхонани замонавий асбоб-ускуналар, бозор талабига мос ихчам технологиялар билан жиҳозлаши, шунингдек, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириши лозим, — дейди цех раҳбари Марҳабо Шаропова. — Мен ҳам тикувчилик цехини ишга туширишдан олдин мана шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратдим. Бу борадаги ишларга, яъни цехнинг ташкил этилишида, унинг техник ва технологик тузилмасини мустаҳкамлашда, аввало, йиғин мутасаддилари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар ўз ҳимматларини аяшмади. Айни пайтда тикув цехида 20 нафардан зиёд қўлигул хотин-қиз меҳнат қилаётир. Маҳалламиздаги ёш қиз-жувонлар эса моҳир тикувчи аёлларга шогирд тушиб, "Устоз — шогирд" анъанаси асосида тикиш-бичиш сир-асрорларини пухта ўрганишяпти. Эндиликда, улар томонидан тикилаётган замонавий ва миллий тўй либослари, зардўппилар ўзининг бежиримлиги, сифатлилиги билан харидорлар ишончини қозонган. Мақтаниш эмасу, бу фикрни нафақат мен, балки барча қизилтепаликлар ҳам мамнуният, фахр билан эътироф этишади.

Дарҳақиқат, М.Шаропова ҳар қанча фахрланса арзийди. Зеро, бугун бир кишини иш билан таъминлашнинг ўзи ҳам катта ҳиммат. Ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлаб, келгусида фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган бу тадбиркор аёл ўзига муносиб шогирдлар тайёрлашдек эзгу ниятлар билан яшамоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

ИМКОНИЯТ

# ТАДБИРКОРНИНГ ТАДОРИГИ

САМАРҚАНД вилояти Тайлоқ туманида ғаллачилик, полизчилик ва зироатчиликда ўзига хос тажриба мактаби бор. "Мамарасул-Соҳибнор" фермер хўжалиги етиштираётган маҳсулотлар турининг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Фермер хўжалиги раҳбари тадбиркор Шоҳобиддин Расулов деҳқончиликдан ташқари, бир неча йил олдин қорамол парвариш қилишни йўлга қўйганди. Кўп ўтмай қорамоллар сони ўттиз бошга етди. Сўнгра товуқчилик фермаси ташкил этди. Эндиликда чорвачиликни ҳам, паррандачиликни ҳам ривожлантириш тадоригида.

— Хашак, емиш, ем, дон-дун ўзимиздан чиқади. Шундай бўлгач, тадбиркорлик қилиб, аҳолига арзон нархда сут, қатиқ, гўшт, тухум ва парҳез маҳсулотлар етказиб бериш имкониятимиз бор, — дейди фермер Ш.Расулов. — Келгусида чорвачилик, паррандачилик маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлашни йўлга қўйиш ниятидамиз.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# МАЪРИФАТГА ОШНО ҚАЛБ ЭЗГУЛИККА ИНТИЛАДИ

Жасур ҳар куни спорт машғулотига бораётиб, маҳаллада тўртта-бештача боланинг гоҳ сигарета чекиб туришгани, гоҳ нима ҳақдадир баҳслашиб, беодоб сўзлар билан бақириб-чақириб бир-бирини «сийлашаётганини» кўрарди. Бир куни уларнинг жанжаллашаётгани устидан чиқиб қолди. «Дўстлар» бир-бирига аямай мушт туширишарди. Жасур уларни бир зумда ажратиб, уришиб қолишганининг сабабини эринмасдан суриштирди. Билдики, буларнинг бари бекорчиликдан.

— Мен маҳалламиз қошида спорт тўгараги ташкил қилмоқчиман, — деди Жасур қатъий оҳангда. — Бу тўгаракда барчангиз иштирок этасиз.

Бу каби болаларни қандай қилиб тўғри йўлга солишни билмай юрган Мирзо Улуғбек тумани Мирзакалон Исмоилий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбар опага Жасур Солиевнинг ташаббуси маъқул тушди. Туман «Маҳалла» жамғармасининг Вояга етмаганлар ишлари бўйича масъул котиби Отабек Тўхтамуродов, маҳалла фаоллари, ота-оналар билан маслаҳатлашиб, футбол тўгараги ташкил этилди. Тўгарак аъзолари сони кун сайин ортиб борди. Улар бирин-кетин муваффақиятларга ҳам эриша бошлашди.



© фото-Носир Ҳайдаров

— Маҳаллада улғаяётган ҳар бир фарзанд тарбиясига эътибор беришга ҳаракат қиламиз, — дейди Дилбарой Қодирова. — Маҳалла болалари таълим оладиган 18- ва 64-мактаб маъмурияти билан биргаликда «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигини изчил йўлга қўйганмиз. Маҳалла фуқаролар йиғини қошида Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолият юритмоқда. Шу комиссия аъзолари билан ҳамкорликдаги ишларимиз, саъй-ҳаракатларимиз натижасида фарзандларининг тарбияси оғирроқ бўлган бешта оила билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлдик. Қолаверса, маҳалламизда таниқли ижодкорлар яшашади. Кўпинча, уларни ёшлар билан суҳбатга чорлаймиз, уларнинг ижод намуналаридан ёшларни баҳраманд этишга ҳаракат қиламиз. Зеро, санъатга, маърифатга ошно қалб доимо эзгуликка интилади, асл инсоний туйғулар ана шундай муҳитда камол топади.

Маҳалланг ҳам отанг, ҳам онанг, дейди халқимиз. Мирзакалон Исмоилий маҳалласида шу ҳикматга амал қилган ҳолда иш юритилади. Ёши улуғ отахону онахонларнинг маслаҳати, ҳаётий тажрибасига таянилади, айрим оилалар намуна сифатида кўрсатилади. Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шарифа Ҳидоятова, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Зумрад Абдалимова, маҳалла посбони Салоҳиддин Имомовлар мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар тарбиясига оид, уларнинг маънавий дунёсини бойитишга, ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқдалар.

— Ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор бериш давр талаби, — дейди О.Тўхтамуродов. — Айниқса, уларнинг соғлом бўлиб улғайишларида спортнинг аҳамияти беқиёс. Аммо фарзандини бекаму кўст вояга етказишга ҳамма оиланинг ҳам шароити тўғри келавермайди. Шуларни ҳисобга олиб, тумандаги «Умид», «Ҳумоюн», «Юзработ» каби спорт комплексларида ҳар ҳафтанинг белгиланган кунларида туманимиз ёшлари учун бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Хуллас, Мирзакалон Исмоилий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолияти ибратга арзигулик ишлари билан ўрнак бўла олади.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

ТАРҒИБОТЧИГА ЁРДАМ

# ОТА-ОНАНГИЗ СИРДОШИНГИЗ БЎЛСИН

**САВОЛ: — Баъзан интернетда ҳам кўпорувчиликни, зўравонликни тарғиб қилувчи материаллар пайдо бўлиб қоляпти. Шундай пайтда қандай йўл тутган маъқул?**

**ЖАВОБ:** — Мафкуравий жараёнлар глобаллашиб бораётган бугунги кунда одамларни оҳанграбо каби ўзига ром этиб, онгини заҳарлаётган ахборот хуружларидан ҳимояланишнинг энг мақбул йўли юртдошларимизда, айниқса, ёшларимизда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш лозим.

Бугунги кунда ахборот хуружининг яна бир кўриниши одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё каби қадриятларга тажовуз тарзида намоён бўлмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, тобора оммавийлашиб бораётган интернет сайтлари, компьютер ўйинлари орқали ҳам ўсмирлар қалби ва онгига ёт ғоялар сингдирилмоқда. Жумладан, интернет тармоғига жойлаштирилган аёлларнинг ўзларини бозорга солиб, жазман қидиришлари оммавий маданиятнинг бузғунчи омили бўлиб хизмат қиляпти.

Ахборот хуружи муаллифлари ўз шахсий манфаати йўлида миллий-маънавий қадриятларимизни оёқости қилиши мумкин бўлган, ғоявий ғўр ёшларга умид қиладилар. Хуруж муаллифлари ёшларимиз кўраётган, эшитаётган, ўқиётган нарсасини таҳлил қилмасдан, тўғридан-тўғри қабул қилишини хоҳлайдилар.

Шундай экан, аввало, оилада болаларга интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргатиш лозим. Уларга бузуқликни, террорни, кўпорувчиликни тарғиб қилувчи сайтларнинг асл мақсади нима эканлиги ўз вақтида тушунтирилса, бола бундай сайтларга кирмайди.

**САВОЛ: — «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлигини ташкил қилишда маслаҳатчилар нималарга кўпроқ эътибор бергани маъқул?**

**ЖАВОБ:** —Ота-онага таъсир ўтказмоқчи бўлсангиз, уларнинг болаларини яхши кўринг. Болани ота-онаси олдида уришманг. Ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилинг. Оилага бола (ўқувчи) орқали таъсир қилиш мумкин.

— Ота-она сизда нафақат ўз фарзандига, балки бутун оиласига ҳурмат, муҳаббатни кўрсин;

— ҳар бир оиланинг маънавий муҳитини ўрганинг. Ижобий ютуқларни умумлаштириб боринг;

— шундай қилингки, ҳар бир ота-она ўз фарзанди тарбиясида сиз билан сирдош бўлсин;

— ота-оналарга ўзларини қандай тутса, фарзанди тарбияси учун фойдали бўлиши, боланинг оиладаги ўрни, мавқеи қандай бўлиши маъқуллиги тўғрисида самимий, дўстона маслаҳатлар бериб боринг;

— шуни яхши билингки, маслаҳатчи бола тарбияси манфаатларидан келиб чиқиб ота-оналарга ижтимоий талаблар қўйиш ҳуқуқига эга. Бу талаблар педагогик тавсиялар шаклида ифодаланади.

— ҳар бир ота-она билан учрашувни олдиндан режалаштириш лозим. Бироқ бу расмий, «текшириш» мазмунида бўлмаслиги керак;

— ота-оналар йиғилишини нуқул хулқи ёмон ўқувчилар, уларнинг ота-оналари муҳокамасига айлантириб юборманг;

— ота-оналар билан самимий суҳбатдош бўлишга эришинг. Токи улар ўзлари айтган тарбиявий муаммоларни сиз тўғри тушуна олишингизга ва гаплари ерда қолмаслигига ишонсин.

**“Маҳаллада ғоявий тарғибот” китобидан.**

САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ

# ОДДИЙ МУАЛЛИМ МУВАФФАҚИЯТИ

Марҳамат туманининг Шукурмерган қишлоғидаги 13-ўрта умумтаълим мактаби кимё тўгараги аъзолари ўзларининг «Мўъжизасиз мўъжизалар» кечасига ота-оналарини таклиф этишди. Ўқувчиларнинг кимё лабораториясида кўрсатган мўъжизалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Бунда уларга устозлари, кимё фани ўқитувчиси Абдуқодир Шамсиддинов ёрдам берди.

— Фарзандларимизнинг мураккаб кимёвий реакцияларни мустақил бажаришлари ҳаммамизни хурсанд қилди, — дейди “Шукурмерган” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳмон Йўлдошев. — Мактабимиз умуммиллий дастур асосида капитал таъмирдан чиқарилди. Давлат таълим стандартлари талабига биноан, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган кимё лабораториямиз бор. Бу лабораториянинг доимо болалар билан гавжум бўлишида ўқитувчи Абдуқодир Шамсиддиновнинг ҳиссаси катта.

**Унинг оққўнгиллиги, самимийлиги, камтарлиги ва жамоат ишларида фаоллигига ҳавасим келади. Ҳеч қачон чарчамайди, доим изланишда, ҳар бир дарсга масъулият билан таёргарлик кўради. Шунинг учун ҳам унинг ортидан эргашиб юрган шогирдлари беҳисоб.**

Абдуқодир ТошДУ(ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг кимё факультетини битириб, она қишлоғига қайтганига чорак асрдан кўпроқ вақт бўлди. Шундан буён у қишлоқ болаларига кимё фанидан дарс бериб келмоқда. Ўзлаштириш анча қийин бўлган бу фанга ўқувчиларни қизиқтириш осон кечмади. Абдуқодир ўз фаолиятининг дастлабки davриданоқ дарсларни имкони борича қизиқарли ўтишга, бунинг учун қўшимча материаллар, соҳага доир янгиликлардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Натижада ўқувчиларнинг кимёга қизиқиши кескин ошди.

Ҳозирги кунда 13-мактаб туманда кимё фани ўқитилиши бўйича таянч мактаб ҳисобланади. Абдуқодир домланинг юзлаб шогирдлари кимё фанини севиб, уни мукаммал ўрганишмоқда. Улар орасида олий маълумот олиб, бугун элга хизмат қилаётган шифокорлар, кимёгарлар, ўқитувчилар ва бошқа кўплаб касб эгалари бор. Домла эса ҳамон ҳаяжон ва қунт билан ёшларга кимё асосларини ўргатмоқда. Унинг шогирдлари вилоят, республика олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаб келишяпти.

— Ўтган ўқув йилида шогирдларимдан ўн беш нафари олий ўқув юртларининг талабалари бўлди, — дейди Абдуқодир Шамсиддинов. — Тошкент Давлат тиббиёт академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Фарғона, Андижон Давлат университетлари, Андижон тиббиёт институти ва Андижон қишлоқ хўжалиги институтларига ўқишга кирган бу ёшларнинг олам-олам орзу-интилишлари бор. Бундай ҳисобласам, бугунги кунга келиб, олий маълумот олган, олий ўқув юртларида кимё билан боғлиқ мутахассисликларни эгаллаётган шогирдларим сони юзга яқинлашиб қолибди. Уларнинг ҳар бири қалбимнинг тўрида. Ахир, инсон учун бундан ортиқ бахт борми?

Обиджон Абдуллаев Абдуқодир домланинг шундай шогирдларидан бири. Мактабда тиришқоқ ўқувчи, кимё тўгарагининг фаол аъзоси эди. Андижон Давлат университетини ўтган йили муваффақиятли битирган Обиджонни дорилфунунда қолиб, кимё фанидан сабоқ беришга таклиф қилишди. У энди янги устозлари раҳбарлигида кимё фанида кашфиётлар қилишни дилига тугиб, астойдил ишга киришди.

Юқорида айтганимиздек, 13-мактаб кимё фани ўқитилиши бўйича таянч-намуна мактаб ҳисобланади. Тумандаги барча кимё фани ўқитувчилари Абдуқодирни ўзларининг устозлари, деб билишади. Бу мактабда тез-тез кимё фани ўқитишни такомиллаштиришга бағишланган туман, вилоят семинарлари ўтказилиб турилади. А.Шамсиддинов ўзининг бой тажрибаси ва билимини ёш ҳамкасбларига бағрикенглик билан ўргатади. Ўзи ҳам тез-тез туман мактабларига чиқиб, дарсларни кузатади, ёш ҳамкасбларига камчиликларини бартараф этишда кўмаклашади.

Абдуқодир ажойиб оила бошлиғи. Тўнғич ўғли Аброрбек Фарғона Давлат университетини битириб, мактабда кимё фанидан сабоқ бермоқда. Ўн биринчи синфни битираётган Аброрбек, лицей ўқувчиси Муқаддамхон келгусида врач бўлишмоқчи, шу боис, оталаридан кимё фанини янада пухтароқ ўрганиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Умр йўлдоши Насибахон эса ўқитувчилик қилиш билан бирга, ҳамиша турмуш ўртоғига кўмакдош. Бу оилани маҳаллада ҳамма ҳурмат қилади.

— Абдуқодир билан мактабда бирга ўқиганмиз, мана энди бирга ишлаяпмиз, — дейди мактаб директори Абдулҳамид Янгибоев. — Унинг оққўнгиллиги, самимийлиги, камтарлиги ва жамоат ишларида фаоллигига ҳавасим келади. У ҳеч қачон чарчамайди, доим изланишда, ҳар бир дарсга масъулият билан таёргарлик кўради. Шунинг учун ҳам унинг ортидан эргашиб юрган шогирдлари беҳисоб.

Ўтган йили «Устоз ва мураббийлар куни» муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар орасида Абдуқодир Шамсиддинов ҳам бор эди. Унга Презедентимиз Фармонига биноан, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» фахрий унвони берилди. Ана шу юксак мукофотга жавобан Абдуқодир яна ҳам ижодий фаоллик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. «Баркамол авлод йили»да у янада кўпроқ шогирдларининг олий ўқув юртларига киришлари учун дарс ва тўгарак машғулотларини юқори савияда олиб боряпти.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

ОИЛА ТИЛСИМИ

# БАХТДАН УСТУН КЕЛОЛМАГАН САБАБЛАР

Барно ҳовлида ўз юмушлари билан банд эди. Дарвоза тақиллаганини эшитиб: “Дада, қаранг, кимдир келди”, деб отасини чақирди. Ёнида ўтирган бир ярим яшар боласи ҳам «дада, дада», дея унинг гапини такрорлади. Буни эшитган Барнонинг ичида нимадир узилиб кетгандек бўлди. Чунки Барно фарзандини тирик етим қилиб, эри билан ажрашаётган эди.

...Ёзнинг жазирама кунларининг бирида ҳовлига кириб келган Барнони онаси имлаб ёнига чорлади:

— Қизим, ўқишниям битирдинг. Ҳали турмушга чиқмайман, дейишни бас қил. Бугун Санжар деган курсдошингдан совчи келди. Нима дейсан?

Барно онасига сездирмаса-да, бу хабардан қувонди. Чунки Санжарнинг ақлли, қатъиятли йигит эканини яхши биларди. Шу боис, Барно онасига “Ўзингиз биласиз”, дея розилигини билдирди.

Тез орада тўй бўлиб ўтди. Қудаанда, келин-куёвнинг қувончи чексиз эди. Келин ширин муомаласи, меҳнатсеварлиги билан ҳамманинг кўнглини топди. Айниқса, Санжар уни ерў кўкка ишонмасди. Вақт ўтиб келиннинг фарзанд кутаётгани ҳақидаги хушхабар уларнинг муносабатини янада мустаҳкамлади. Шундай кунларнинг бирида Санжарникига уч-тўртта дўсти меҳмонга келди. Гап орасида дўсти Азим:

— Оғайни, қайнатанг роса қурумсоқми дейман, мана бу мебеллар жуда арзон молга ўхшайди. Биззи қайната зўр, ўғилли бўлганимизда ҳайдаб юрганим “Матиз”ни совға қилди, — дея гап қотди.

Бу гап Санжарнинг нафсониятига тегди, ўртада кўтарилган кулгу эса уни ғазаблантирди. Меҳмонлар кетгач, Санжар дастурхон йиғиштираётган хотинига намойишкорона шкаф эшигини очиб ёпа бошлади. Сўнг: “Бу шкаф алмисоқдан қолган шаклда ясалган экан, нархиям арзон бўлса керак. Отангиз бироз зиқналик қилибдилар-да”, деди.

Барно бу гапларни эри кайфи борлигидан айтаётганга йўйди ва ҳазилга буриб, эрини ичкарига олиб кириб ётқизди. Аммо “Қўл кирин ювса кетар, ёмон гап дилда қолар”, деганларидек, Санжарнинг гапларини Барно унутолмади. Устига устак, қайнанаси ва эрининг ҳар бир гапи киноядек туюлиб, бироз жиззаки бўлиб қолди. Бу орада у ўғилли бўлиб, аламлари бироз унутилгандек бўлди.

**Ундай қилманг, болалaрингизнинг бахтини, набирангизнинг камолини ўйланг. Қаранг, наҳотки, шу болакайнинг отасиз ўсиши сизни ташвишлантирмаса!?**

Орадан уч-тўрт ой ўтиб, нимадандир ғазабланган Барно этигини кия туриб жаврай бошлади:

— Отам шунча мебель оберсалар ҳам уларни зиқна, дейсиз. Онангиз олиб берган этик кийишгаям арзимайди. Тунов куни дугонамнинг тўйида қайнанаси қимматбаҳо занжир тақди. Мен-чи, нима кўрдим?

Албатта, унинг кинояли гаплари куёвни ғазаблантирди, у ҳам аёлига аччиқ гаплар гапира бошлади. Аввалига келин-куёв бир-бирини, сўнг ота-оналарини ёмонлай кетишди. Ўртага куёвнинг ота-онаси аралашиб, уларни яраштиришди.

Аммо шу кундан бошлаб бирор баҳона сабаб — мебель ёхуд сарполар ҳақида гап очилар экан, ёшлар яна жанжаллашарди. Шундай келишмовчиликларнинг бирида куёв беҳосдан тинмай гапираётган аёлининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Барно эридан буни кутмаганди, аввалига, эсанкираб қолди, сўнг ғазабини босолмай отасиникига кетиб қолди. Бу орада куёвнинг онаси узр сўраб келди. Ножўя хатти-ҳаракати учун ўғлини койиди. Барнонинг отаси Шароф ака эса:

— Менга аёл кишига қўл кўтарадиган куёв ҳам, бунга беэътибор қарайдиган қуда ҳам керак эмас, — дея дарвозасини ёпди.

Қўни-қўшни олдида изза бўлган Барнонинг қайнанаси Соҳиба опа ҳам жаҳл отига минди: энди бу остонага қадам босмаслигини кўнглига тугиб изига қайтди.

Оқибатда икки оила ўртасига совуқчилик тушди. Ҳатто ўртадаги фарзанд ҳам уларнинг муносабатини юмшатолмади. Аксинча, куёв: “Болага ота керак бўлса, хотинимнинг ўзи келади”, дея улардан ҳол-аҳвол ҳам сўрамади. Афсуски, айрилиқ уларни тобора узоқлаштирарди. Ўртада “деди-деди” кўпайди. Ахийри, муаммо ФҲДЁгача етиб борди. У ерда ажримнинг сабабини сўраганда, икки ёш ҳам жўяли жавоб топа олмади, аммо қаҳр, ғазаб, ғурур устунлик қилиб, ариза беришди. Ўртада фарзанд борлиги ва ажрим учун жиддий сабаб йўқлиги ҳисобга олиниб, уларга ўйлаб кўриш учун муҳлат беришди.

...Шароф ака дарвозани очди. Остонада маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфия опа ҳамда хотин қизлар комиссияси раиси Раъно опа туришарди. Шароф аканинг аёли Нодирахон уларни ичкарига бошлади. Салом-аликдан сўнг меҳмонлар гап орасида қизи Барно ҳақида сўрашди. Нодирахоннинг бироз хижолат тортганини сезган Раъно опа ҳаётидаги ибратли воқеаларни сўзлаб, унга яқинлик билдирди. Кўнгли тўлиб турган Нодирахон бўлиб ўтган воқеаларни сўзлади. Қизининг бахтли бўлишини исташи, аммо қизини қайтариб юбормаслигини айтди.

— Нодирахон, қаҳру ғазабни четга суриб, қудаларингизга яхши муомала қилинг, уларнинг ўзи бу қилмишидан уялиб қолсин, — дея насиҳат қилди Зулфия опа. — Қудангиз яшайдиган маҳалланинг фаоллари билан гаплашдик. Улар қудангиз ва куёвингиз билан қайта-қайта суҳбатлашишди, куёвингиз қилган ишидан афсусда. Аммо уни ҳайдаб солганингиз учун остонангизга келишга ийманаётган экан. Ундай қилманг, болаларингизнинг бахтини, набирангизнинг камолини ўйланг. Қаранг, наҳотки, шу болакайнинг отасиз ўсиши сизни ташвишлантирмаса!?

Маҳалла фаоллари кетгач, Нодирахон турмуш ўртоғига вазиятни тушунтирди. Шароф ака ғамгин ҳолда ҳовлида юмушлар билан овора қизига қаради, аммо хотинига лом-мим демади. Бир неча кун ўтгач, қудаси Соҳибахон келди. Мезбонлар уларни худди совчиларни кутиб олгандек, қарши олишди. Икки тараф ҳам гўё ҳеч гап бўлмагандек, узоқ суҳбатлашишди. Кетар чоғи қайнанаси келинини ёнига чорлаб: “Қизим, бўла қолинг, кетамиз” деди. Нодирахон нима қилишини билмай турган қизига: “Бўлақол, ойинг кутиб қолмасин”, дея уни шоширди...

**Моҳичеҳра ТОШМУРОДОВА**

НАВРЎЗ ЯҚИН



# ҚАДРИЯТЛАР АЙЁМИ

**ХАЛҚИМИЗ** ҳар йили Наврўз байрамига астойдил тайёргарлик кўради. Энг аввало, ҳамма ўз ҳовли-жойини тозалайди, деворлар, дарахтлар оқланади, томорқаларга кўкатлар экилади. Сўнг аҳоли маҳалласидаги кўча ва йўлларни, ариқлар ва кўприкларни тартибга келтиради. Кўплаб манзарали дарахтлар ва гуллар экилади. Бу ишларнинг якуни сифатида Наврўзолди хайрия шанбалиги ўтказилади.

Андижон вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари шу кунларда умумхалқ байрами Наврўзни катта тантаналар билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Юзта қишлоқ ҳамда шаҳарча, 861 та маҳалла фуқаролар йиғинларида шанбалик ўтказилиб, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Наврўзолди хайрия ҳашарида бу йил ҳам вилоят аҳолиси қатнашиб, маҳаллалар, қишлоқ ва шаҳарларни яна ҳам гўзал ва файзли қилишда иштирок этадилар. Шу кунларда бу кенг кўламли ишларнинг режалари тузилмоқда.

— Шанбалик куни кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилади, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари Иззатилло Хўжаев. — Ўтган йилги шанбаликда кам даромадли, серфарзанд оилаларга ўттиз миллион сўмликдан кўпроқ ҳомийлик ёрдами кўрсатилган бўлса, бу йил ҳам бу савобли ишда юзлаб саховатпеша юртдошларимиз иштирок этишни ният қилиб турибди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан ҳам катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш режалаштирилмоқда. «Маҳалла муруввати» масъулияти чекланган жамияти томонидан ажратилган етти миллион сўмлик кийимбошлар кўп болали, кам таъминланган оилаларга совға қилинади.

Наврўз — ота-боболаримиздан қолган ўлмас қадриятлар, эзгу урф-одатлар байрами ҳисобланади. Тантаналарда халқимиз дастурхонига сумалак, ош тортиш билан бирга, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган азиз ва мўътабар кишиларнинг номлари ёд этилади, беморлар ҳолидан хабар олинади. Жамғарма вилоят бўлими ўз оталиғидаги Хўжаобод тумани болалар махсус интернати тарбияланувчиларига ҳар йилгидек кийимбош ва идиш-товоқлар етказиб беради. Кам таъминланган оилаларга қорамол олиб бериш, ана шундай оилалар фарзандларидан бир қанчасининг никоҳ ва хатна тўйларини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Ҳар қандай байрам танталарини спорт мусобақаларисиз тасаввур этиш қийин. Маҳаллада бўлиб ўтадиган Наврўз маросимларида миллий кураш беллашувлари, халқ ўйинларидан арқон тортиш, варрак учириш, чиллак мусобақалари ўтказилади. Халқ термаларини, мумтоз қўшиқлар ва рақсларини ижро этишади. Байрам тадбирлари шаҳар, туман, вилоят марказларидаги маданият ва истироҳат боғлари, ёзги саҳналарда давом этади. Хуллас, халқимизнинг суюкли байрами Андижоннинг чекка қишлоқларида ҳам аҳолининг фаол иштирокида ўтади.

Юртимизга қадимий ва ҳамиша навқирон Наврўз кириб келмоқда. У ҳамиша эзгулик, улкан орзу-умидлар, яшариш ва янгиланиш олиб келган. Бу йилги Баркамол авлод йилида ҳам Наврўзнинг қадами қутлуғ, шукуҳли, муждалари эса ҳар қачонгидан улуғ бўлиши шубҳасиз.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

< [1]

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ва унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан баркамол авлодни вояга етказиш, хусусан, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир.

— Бугунги ёшларимиз эртанги фаровон ҳаётимизнинг давомчиларидир, — дейди «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви масъул котиби Бахтиёр Норов. — Уларга қаратилган эътибор келажагимизнинг порлоқ бўлишини таъминлайди. Шу сабабли уларни жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар қилиб тарбиялаш учун барча имкониятларни ишга солишга интилмоқдамиз. Чунончи, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида болалар спортини ривожлантиришни кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилган. Яқинлашиб келаётган Наврўз байрамига бағишланган якка кураш турлари бўйича ёшлар марафони ва республика мусобақалари ташкил этилишида ҳам ушбу эзгу мақсад мужассам. Шунингдек, «Юрт келажаги баркамол авлод қўлида» шиори остида футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, теннис ва сузиш ҳамда «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзидир» шиори остида бадиий гимнастика, шахмат, шашка, стол тенниси, минифутбол бўйича мусобақалар ташкил этиш кўзда тутилган. Айниқса, қишлоқ жойларида «Алпомиш», «Барчиной» ҳудудий мусобақалари ва ҳаракатчан миллий ўйинларни ташкил этиш ҳам ёшларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

Қатъий эътиқод ва дунёқарашга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва ёт таъсирларга қарши туришга қодир авлодни тарбиялаш бугуннинг долзарб мавзуси. Шу сабабли «Маҳалла» жамғармаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшлар орасида терроризм ва диний ақидапарастликка қарши курашиш мавзуларида учрашувлар, тушунтириш ишлари, давра суҳбатлари, мунозаралар ўтказишни мақсад қилган. Жумладан, ёш авлодни ғоявий таҳдидлар ва «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишга қаратилган семинарлар, давра суҳбатлари, ижодий савол-жавоб кечалари, учрашувлар ташкил этиб борилади.

— Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланганини маҳалла фаоллари кўтаринки руҳда кутиб олди. Ўсиб келаётган авлод тақдирига беқиёс ғамхўрлик, эътибор замирида келажакка катта ишонч ётгани бежиз эмас, албатта. Шу сабабли ўтган давр мобайнида жамғарма ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ҳамкор ташкилотлар кўмаги ва келишувлар асосида тузилган жадвалга мувофиқ, шаҳардаги «Олтин водий», «Турон», «Баҳор», «Ҳумо», «Лочин», «Меъмор» маҳалла фуқаролар йиғинларида «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида ўндан ортиқ мулоқот ва учрашув ташкил этилди. Баҳс-мунозараларда ёшларга оиланинг муқаддаслиги, аждодлар меросини асраб-авайлаш ҳар инсоннинг бурчи экани тилга олинди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари тўйлари ва оилавий байрам тантаналарини нишонлаб бориш ҳам жорий йил режасидаги муҳим вазифалардан. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида мазкур вазифалар ижроси таъминланади, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Навоий шаҳар бўлинмаси раиси Рустам Арзиев.

Хуллас, бугунги кунда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган эзгу мақсадлар ҳар бир юртдошимиз қалбидан чуқур жой олмоқда. Шу боис, уни амалга оширишга мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жиддий эътибор қаратилган. Бу келажак авлод камолоти йўлида муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

**Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**



© фото-Носир Ҳайдаров

# ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

БИР ЎЛКАКИ...

# ...ТОҒЛАРГАЧА ГУЛГА БУРКАНГАН



© фото-Носир Ҳайдаров

“Ишқилиб, бодом гулламай турсин-да, болам”, дея момом қишни хавотир билан ўтказди. Чунки Қашқадарёнинг жанубий қисмига бу йилги қиш қаттиқ келмади. Қуёшли кунларда момогинам ана шундан ташвишланди:

— Бодом уйғониб кетади-да, бу қуёшли кун алдайди одамни. Эртага изғирин туриб қолса, бодом шўрликни совуқ уриб кетади.

Момомнинг бу гаплари қизимнинг ҳам қулоғига қуйилиб қолган экан, “Аяжон, бодом момомнинг гапларини эшитган, бугун ҳам гулламабди”, деб ҳар куни такрорлайдиган бўлди.

Бугун бодом гуллабди. Бир кечада оппоқ бўлиб, гулга бурканибди. Кўзларим қувнаб кетди. Ҳали қараб тўймасимдан қизимнинг шодон қийқириғи қулоғимга чалинди:

— Моможон, қаранг, бодом гуллабди.

90 ёшни қоралаган момогинам қизимнинг қўлларидан тутганча ҳовлимиздаги бир туп бодомдан кўзини узмай турарди. Сўнгра шивирлабгина: “Етказганингга шукр, кўклам келибди”, деди. Кейин қўлларини очиб дуо қилди: “Янги кўкламларгача ўйнаб-кулиб, тўрт кўз тугал етайлик”. Эсимни танибманки, момом шундай дуо қилади. Унинг айтишича, ҳовлиларидаги бир туп бодом узоқ замонларда уларни очарчиликдан сақлаб қолган экан. Шунданми, бодом дарахтига меҳри бошқача. Ҳар гал кўклам келганида бодом кўчати эктиради. Ҳаммамизнинг ҳовлимизда бодом дарахти бор. Фақат бизда эмас, бутун Қашқадарёда шундай. Айни кунларда воҳамизга келсангиз, оқликка бурканган далаю ҳовли, томорқаларни кўриб завқланасиз.

Майманоқ бодомлари, деб ҳеч эшитганмисиз? Таъми, мазаси билан алоҳида ажралиб туради. Майманоқ қишлоғи Қашқадарёнинг Касби туманида. Қишлоқда 4 мингдан ортиқ хонадон бўлса, ҳаммасида бодом дарахти бор, бир эмас, 200-300 туп. Аҳолининг каттадан кичигигача, ёшидан қарисигача бодом етиштиришнинг ҳадисини олган. Бу ерда бодом дарахтининг 47 тури мавжуд.

— Бу дарахт ўртача ҳароратга мослашган, — дейди Майманоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эрдон Холмуродов. — Жуда совуқни ҳам, жуда иссиқни ҳам унча хушламайди. Майманоқ тоғлари об-ҳавони мўътадил ушлаб туради. Ер, тупроқ шароитимиз ҳам шунга монанд. Шу боисдан Майманоқ қишлоғи бодомлари билан машҳур бўлган. Бугунги кунда ҳам бизда етиштирилаётган бодомлар жаҳон бозорида жуда харидоргир.

Қашқадарёда баҳорнинг бошида Майманоққа боринг, деган гап бор. Чунки Майманоқда баҳор жуда эрта бошланади. Боғларда бодом гуллаб, кўнгилларга баҳор нафасини олиб киради. Бутун қишлоқ Майманоқ тоғларигача гулга бурканади. Қараб тўймайсиз, кўз узолмайсиз.

— Эсимни танибманки, ҳовлимизда бодом етиштирамиз, — дейди 70 ёшли Наврўз ота Мирзаев. — Бодом томорқанинг баракаси. Бу дарахтни ўстиришнинг ҳам қоидалари бор. Дарахтлар оралиғи 5 метрга 6 метр қилиб экилса, яхши ҳосил беради. Бодом дарахтининг танаси бир бирига тегса қурийди. Кейин қуёш нуридан тўйиниши керак. Меъёрида пишиб етилгач, кейин узилса мевасининг мазаси яхши бўлади.

Наврўз отанинг фикрини эшитиб, “Майманоқнинг бодомини емабсиз, дунёга кемабсиз”, деган гап хаёлимдан ўтади.

— Ҳозир бодомларимизнинг янада харидоргир бўлиши учун пайванд қилиб, янги навларини етиштиряпмиз. Унга қайта ишлов берилгач, янада хуштаъм бўлади, — дейди Шарофат опа Шамсиддинова. — 5 гектар ерим бор. 2 минг тупга яқин бодом етиштираман. Шунинг орқасидан даромад қиламиз. Биласизми, бодомнинг минг бир хислати бор. Организмни бақувват қилади, касалликларнинг олдини олади. Ибн Синонинг таъбири билан айтганда, аччиқ бодом озиқ эмас, фақат дори ҳисобланади. Қулоқ, буйрак шамоллашларига жуда фойдали. Бундан ташқари, кўзнинг қувватини оширади.

Айтишларича, бодом дарахти 25 йилгача ҳосил берар экан. Кўп меҳнат, парвариш ҳам талаб қилмайди. Майманоқликларнинг тўқ, фаровон яшашлари ҳам ана шу хосиятли дарахт туфайли. 2 сотих томорқадан унумли фойдаланиб, ҳам бодом, ҳам кўкат ва мева сабзавотлар етиштиришиб, 2 миллионгача даромад олишади. Қишлоқда 30-40 гектарлаб бодомзорлар бор.

— Бодомнинг ҳосилдор бўлиши кўп жиҳатдан баҳорга боғлиқ, — дейди Фароғат опа Равшанова. — Бу йилги баҳор яхши келаяпти. Насиб бўлса, дастурхонларимиз тўкин бўлади.

Яна фариштагина момомнинг гаплари ёдимга тушади: “Кўклам қут-баракали бўлсин. Ризқ-насибали келсин”.

**Санобар БОЙМУРОДОВА**

РУҲШУНОС МАСЛАҲАТИ

# БОЛАНГИЗ МАКТАБГА БОРЯПТИ...

**ОИЛАДА** болага тааллуқли воқеалар баъзан катталар ўртасидаги руҳий ҳолатга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Дейлик, бола ёшлигида вақти келиб мактабга боришини кўп эшитади, аммо бу воқеа билан боғлиқ қувонч ва ташвишларни тасаввур қилмайди. Бу воқеа ота-оналарда кўпроқ ташвиш туғдиради. Сабаби, ота-она ўз фарзандининг бошқа болалар билан қандай муомалада бўлиши, унинг соғлиғи тўғрисида ўйлай бошлайди. Демак, фарзанднинг мактабга бориши боладан эмас, кўпроқ катталардан руҳий тайёргарлик талаб қилади.

Маълумки, ота-онанинг энг муҳим бурчи болага тарбия беришдир. Шундай экан, бу вазифа оилада қандай кечади? Болага нуқул: «Бундай қилма, ундай қил», деб маслаҳат қилишнинг ўзи етарлими? Насиҳатгўйлик оиладаги (ота-она ва бола ўртасидаги) муҳитга қандай таъсир қилади?

Бола учун ота ва она бирдай севимли. Бола мактаб ёшига етганда унга гўдаклигида бериладиган: «Сен кимни яхши кўрасан, дадангними, ойингнимми?» каби бемаъни саволларни бериб бўлмайди. Ота ёки она болага бирон иш буюриб, бола унинг гапини яхши қабул қилмаса: «Фарзандим мени яхши кўрмайди, дадасини ёки аясини яхши кўради», деган хулосага келмаслик керак. Бола бундай пайтда фақат ўз тажрибасидан келиб чиқиб ҳаракат қилади, холос. Аммо, биламизки, бу пайтда унинг ҳаётий тажрибаси жуда кам бўлади.

Ҳар бир инсон ўз ҳаёти йўлида катта-кичик поғона ва бурилишлардан ўтади ва улар боланинг ёдида қолади. Болалик учун шундай улкан остоналардан бири мактабга бориш. Шу сабабли уни бу воқеага зимдан тайёрлаб борган маъқул. Бунинг учун эса унга мустақил шахс сифатида қараш лозим. Унга катталарга муомала қилгандай муомала қилиш мақсадга мувофиқ. У эртага мактабга борганда ўртоқлари, ўқитувчилари алоҳида бир шахс сифатида унга муомалада бўлишини унутманг.

Кўчадан ўртоғи билан ўйинчоқларини олиш учун келган болангизга: “Сен аҳмоқсан, ўйинчоғингнинг қаердалигини мен қаёқдан биламан?”, десангиз, бу муомалангиз билан иккита хатога йўл қўясиз. Биринчидан, болангизни алоҳида мустақил шахс сифатида тан олмадингиз, яъни унга ёрдам қўлингизни чўзмадингиз. Иккинчидан, уни ўртоғи олдида ҳақорат қилдингиз.



**“Ёмон сўз ёддан чиқмайди”, деган гап бор. Билсангиз, ёмон сўз катталарга нисбатан болалар қалбида кўпроқ сақланиб қолади.**

Фарзандингиз уйга келаётган пайтда ўртоғига: «Юр, менинг иккита машинам бор, ҳозир олиб ўйнаймиз», деган бўлиши мумкин. Бундан хабарсиз ҳолда сиз унга «Сен аҳмоқсан», деб ўртоғининг олдида қаттиқ мулзам қилдингиз ва ўзингиз билмаган ҳолда ўша ўртоғига болангизни «Сен аҳмоқсан», дейишига имкон яратдингиз.

Боланинг дили ниҳоятда сезгир бўлади. Фарзандингиз мактаб ёшига яқинлашганда унга яқинда мактабга боришини эслатиб туринг. Унинг айрим жиддийроқ саволларига тўғри жавоб тополмасангиз, буни мактабга борганингда ўргатишади, денг. Шунда болада мактабга қизиқиш уйғонади.

“Ёмон сўз ёддан чиқмайди”, деган гап бор. Билсангиз, ёмон сўз катталарга нисбатан болалар қалбида кўпроқ сақланиб қолади. Дейлик, фарзандингизга: «Сен аҳмоқсан», деганингиздан сўнг, у сиз буюрган ишни совуққонлик билан бажараётганини кўриб ҳайрон бўлманг. У гапингизни ўйнаб юрган пайтида унутган бўлса ҳам, уйга қайтиб келиб сизни кўргач, яна эсига тушиши тайин.

Одатда, қишлоқларда ота-оналар болаларини мактабга тайёрлаш борасида кам ўйлашади. Шаҳарларда эса баъзан бунинг акси бўлади. Болаларни ҳар хил машғулотлар билан ортиқча қийнаб қўйишади. Уларга уйда соатлаб ҳарфларни ўргатиш, мусиқа сабоқларини бериш, расмлар чизишга мажбур қилиш ва бу билан бир вақтда мактаб билан қўрқитиш ҳоллари ҳам учрайди. Оқибатда болаларда мактабдан ҳайиқиш ҳисси пайдо бўлади. Айнан шундай ҳолатни ҳисобга олган Ризоуддин Фахриддин: «Англамай ўқимоқ ва англамаган нарсаларни ўргатмоқ сабабидан болаларнинг зеҳнлари қисилади, ҳайратлари сўнади», дейди.

Мактабга бориш бола ҳаётида онгли равишда мустақил ҳаётга, жамоага қўшилишдир. Бу ҳолни қишлоқ болалари кўчада ўртоқлари билан ўйнаш даврида шакллантирса, шаҳар болаларининг кўпчилиги болалар боғчаларида ўз тажрибаларида кўришади.

Таъкидлаш жоизки, биз катталар биринчи бор мактабга борган кунимизни, биринчи муаллимимизни ва бу воқеалар билан боғлиқ ҳодисаларни бир умр ёддан чиқармаймизу, аммо фарзандимиз ҳаётидаги ўта муҳим бу воқеага негадир эътибор бермаймиз.

Шахснинг хулқи, руҳи ижтимоийлашиб борадиган бу пайтда бола ва унинг оиладаги руҳий ўрнини асло унутмаслик лозим. Бу даврда болага катталардек муомала қилсаккина, у мактабга борганда тезда ўз ўрнини топиб олади.

**Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,**
**психология фанлари номзоди.**